



**Спортни тарғиб қилган
маҳалла раиси
рағбат олади**

2-с.

**Битта ишсиз борлиги
ҳам бизни бекор
қолдирмайди**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№30
(2358)**

**2026 йил
11 АПРЕЛЬ,
ШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Самимий мулоқот — амалий натижа сари муҳим қадам!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти ва аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишди.

Ташрифнинг дастлабки манзили Нукус шаҳридаги “Ишбилармонлар” маҳалласи бўлди. “Маҳалла еттилиги” билан ўтказилган очиқ мулоқот одатдагидек расмийликдан йироқ, эркин фикр алмашиш руҳида ўтди.

Бу ерда асосий урғу давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича белгилаб берган устувор вазифаларига қаратилди. Муҳокамалар натижасида маҳалла ёшларини оммавий спортга жалб этиш бўйича аниқ режа-жадвал тасдиқланди. Эндиликда ҳар бир ёшнинг қизиқишидан келиб чиқиб, спорт тўғрақлари ва мусобақалар тизимли равишда ташкил этилади.



Хоразм вилоятидаги ўрганишлар Урганч шаҳридаги “Жинговуз” маҳалласидан бошланди. Нурунийлар ва маҳалла фаоллари билан кечган суҳбатда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар тарбиясида кекса авлод тажрибасидан фойдаланиш масалалари диққат марказида бўлди. Муаммолар очиқ айтилди, таклифлар илгари сурилди, энг муҳими — ечимлар устида биргаликда ишлашга келишилди.

Сафарнинг энг сермахсул нуқталаридан бири Хазорасп туманидаги “Тараққиёт” маҳалласи бўлди. Бу ерда “маҳалла еттилиги”нинг намунали ҳамкорлиги ва маҳалла раисининг ташаббускорлиги алоҳида эътироф этилди. Ташриф якунида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди:

- “Хазорасп тажрибаси”: ушбу маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича йўлга қўйилган тизим республика миқёсида оммалаштирилади.
 - Инфратузилма: маҳаллада замонавий ўқув маркази ва воркаут (спорт) майдончаси барпо этилади.
 - Нурунийларга эҳтиром: маҳалла ҳаётида фидоийлик кўрсатаётган 25 нафар нурунийга сихатгоҳларга имтиёзли йўланмалар топширилди.
- Хулоса қилиб айтганда, “маҳаллабай” ишлаш тизимининг янги босқичи, бу — халқнинг дарди билан яшаш ва ҳар бир муаммога индивидуал ечим топишдир. Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги ўрганишлар бу борадаги ишлар изчил давом этаётганини исботлади.

БУГУНГИ СОНДА:

Пазанда ва чевар қизни келин қилган кам бўлмайди

Хунар эгаллашнинг ҳикмати кўп. Айниқса, қизларни турмушга тайёрлашда пазанда ва чевар қилиб тарбиялаш уларнинг оқила уй бекаси бўлишига замин яратади.

4-с.

Рақамли тизим ёшлар тақдирига тўғри ечим эмасми?

Тизим инсон учун хизмат қилиши керак. Агар биз ёшларнинг қалбига йўл тополмасак, уларни рақамлар орасида йўқотиб қўямиз.

5-с.

Нигоҳлардаги миннатдорлик — кўпчилик кўнглидаги шукроналикдир

“Анча вақтдан буён одамларга нафим тегадиган қандайдир фаолият тури билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб юргандим. Шу пайт ижтимоий ходим лавозими жорий этилди”.

6-с.



БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” — МАҲАЛЛАНИНГ “УЙҒОНИШ” ИМТИҶОНИ

Бугун замон ўзгарди, давлат бошқарвида аҳоли иштироки кенгайди. Бунинг энг яққол исботи — “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидир.

Энди қайси кўчага асфальт ётқизиш, қайси мактабнинг томини янгилаш ёки қаерга ичимлик сув олиб келишни юқори идораларда амалдорлар эмас, балки шу маҳаллада яшаётган оддий аҳоли ҳал қилмоқда. Бироқ бу имконият кимлар учундир нажот қалдирғочи бўлса, кимлар учундир ортиқча “бош оғриғи”га айланиб қолаётир.

“**Ҳаётимизда бўлаётган катта-катта ислохотларнинг қадрини, мазмун-моҳиятини теран англашимиз, қадрига етишимиз керак.**”

Маълумот учун: жараёнларда республика бўйлаб 10 миллион 284 мингта овоз берилган ва 3 триллион 5 миллиард сўмлик жами 1 996 та (1 980 та аъёновий ҳамда 16 та шериклик) лойиҳа голиб, деб топилган. Жорий мавсумда бир лойиҳа учун энг юқори қиймат 1 миллиард 648 миллион сўмни (БХМнинг 4 000 баравари) ташкил этди. Қолаверса, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарори билан яна 47 та лойиҳа қўшимча равишда голиб, деб топилди.

Маҳаллалардаги ислохотлар журналистлар нигоҳида

МЕДИА-ТУР

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ҳамкорлигида Тошкент вилояти маҳаллаларига медиа-тур ташкил этилди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига ташриф буюриб, бу ерда йўлга қўйилган иш жараёнлари билан танишди. Айниқса, ходимлар учун яратилган шароитлар, замонавий Медиа-марказ ва Ситуацион марказ фаолияти маҳалла тизимида рақамли ёндашув ва тезкор бошқарув услублари жорий этилаётганини яққол намоён этди.



Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари ходимлари Тошкент вилояти маҳаллаларига йўл олди. Айтиш кераки, бугунги кунда вилоятда 883 та маҳалла фаолият юртыпти. Ўтган давр мобайнида 50 та маҳалла биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энергия самардорлигини таъминлашда 481 та маҳалла биноси ва 68 та эҳтиёжманд оила хонадонига қуёш панели ўрнатилди. Жорий йил давомида яна 11 та маҳалла биноси қурилиши, 100 та Ижтимоий реестрдаги оилалар хонадонига қуёш панели ўрнатиш режалаштирилган.

ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС,
ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ТАМОЙИЛИ
УСТУВОР МЕЗОН БЎЛАДИ

8-с.





Хукумат қарори билан "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ" касбий маҳорат миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тасдиқланди.



"МЕНИНГ БОҒИМ" ЛОЙИХАЛАРИ ТАНЛОВИДА ҒОЛИБ БЎЛМАГАН ТАШАББУСЛАРНИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ҒОЛИБ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШИ АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.



Тошкент вилоятининг ТОП-100 талигига кирган МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ Ислон цивилизацияси марказида бўлди.

"МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!"

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

ЖАРАЁН

"ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ" — МАҲАЛЛАНИНГ "УЙҒОНИШ" ИМТИҶОНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

КИМ ОДИМЛАЯПТИ, КИМ ОҚСАЯПТИ?

Жорий йилнинг 1-мавсуми натижаларига назар ташласак, манзара анча зиддиятли. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, бир жиҳатдан, Фарғона (100 фоиз), Сирдарё (99,1 фоиз) ва Жиззах (91,8 фоиз) вилоятларидаги маҳаллаларнинг юқори фаоллиги кишини қувонтиради. Бу ҳудудларда одамлар ўз тақдирига бефарқ эмаслигини, маҳалла раислари эса ҳақиқий етакчи эканини исботлади.

Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, бу кишини жиддий мушоҳада юритишга ундайди. Пойтахт Тошкентда 101 та, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Тошкент вилоятларида 100 тадан маҳалла лойиҳада умуман иштирок этмаган (!) Бу нима дегани? Бу — ўша маҳаллаларда муаммо йўқ дегани эмас, балки ўша ҳудудлардаги "еттилик"нинг одамлар билан ишлаш олмаётганининг белгисидир. Лойиҳани тушунтириш, аҳолини жалб қилиш ва овоз тўплаш каби жараёнларда тизимли ёндашув бўлмаган.

МУАММО ҚАЕРДА: ПУЛ БОР, ТИЗИМ БОР, ЛЕКИН НЕГА ТАШАББУС ЙЎҚ?

Давлат пул ажратяпти, тизим тайёр, жараён шаффоф. Аммо айрим маҳалла фаоллари учун "Ташаббусли бюджет" — қўшимча юк ёки ортиқча ташвиш. Уларнинг мантиқи оддий: "Одамларни йиғиш керак, тушунтириш керак, овоз йиғиш зарур... Шундан кўра, тинчгина ўтирган яхши..."

Ваҳоланки, маҳалладаги чанг қўчани асфальт қилиш ёки спорт залини таъмирлаш учун энди юқори идоралар эшигида сарғайиш, йиллаб ариза ёзиш шарт эмас. Шунчаки одамларни уйғотиш, лойиҳани тўғри шакллантириш ва овоз беришга ундаш кифоя. Бу жараёнда қатнашмаган 100 та маҳалла раиси, аслида, ўз маҳалладошларининг имкониятини "ўғирлаган".

НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТИШ МУМКИН?

Юқоридаги рақамлар ва сўз-кашлик шуни кўрсатадики, маҳалла раисларини "уйғотиш", уларнинг масъулиятини оширадиган тартиблар керак. Жумладан:

1. "Ташаббус коэффициенти" бўйича рейтинг тизимини жорий этиш. Маҳалла раисларининг иш самарадорлигини баҳолашда "Ташаббусли бюджет" да иштирок этиш даражаси асосий кўрсаткичлардан бири сифатида белгиланиши керак.

2. "Маҳалла кенгаши"нинг ваколатларини кенгайтириш. Раис фақат юқори турувчи ташкилотга эмас, балки, биринчи навбатда, ўз халқига ҳисобдор бўлиши лозим. Ҳар бир мавсум якунида раис маҳалла аҳли олдида "Нега бизнинг лойиҳа ўтмади?" ёки "Нега биз қатнашмадик?" деган саволга очиқчасига жавоб бериши шарт.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Урта Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан оқирдан танишди. Бу ерда "еттилик" фаолиятининг аниқ ва тизимли йўлга қўйилгани, аҳоли муносабатлари билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, бандлик масалаларида амалий натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўлинди.



Мана шу нуқтада раиснинг ташкилотчилик салоҳияти ва етакчилик қобилияти сиқалади. Давлат имконият яратиб берди, энди навбат маҳаллаларнинг ўзига. Имкониятдан фойдаланиш, энг аввало, ташаббус ва фаолликка боғлиқ. Тараққиёт ташаббусдан бошланади, ташаббус эса инсоннинг ўзида уйғониши керак.

3. Рақамли кўникмалар бўйича мажбурий тренинглари. Кўп ҳолларда раислар ахборот технологияларини тушулмагани учун лойиҳа киритишдан қўрқиб қолган. Шу боис маҳалла ходимлари учун "Лойиҳа бошқаруви ва рақамли тарғибот" курслари ташкил этилиши зарур.

4. "Шериклик лойиҳалари"ни ривожлантириш. Айрим кичик маҳаллалар овозлар сони камлиги туфайли "ғолиб бўлмаймиш", деб ўйлашади. Шу маънода улар қўшни маҳаллалар билан бирлашиб, умумий муаммоларни (масалан, икки маҳаллага хизмат қилувчи йўл ёки кўприк) ечиш бўйича "коалициялар" тузиши мумкин.

5. Имтиёزلардан фойдалана олиш. Янги тартибга кўра, агар аҳоли лойиҳа қийматининг 50 фоизини ўз ёнидан жамғарса, қолган 50 фоизини давлат қоплаб беради. Демак, раислар овоз йиғишга қўзи етмайпти, маҳалладаги тадбиркорлар ва соҳаватпеша инсонларни жалб қилган ҳолда, "шериклик" лойиҳаларига эътибор қаратиши керак. Қолаверса, маҳалла раиси ўз ҳудудидаги депутат билан тизимли ишлаб, маҳалла муаммоларини унга асослаб бера олса, етарли балл тўплай олмаган, аммо ўта зарур бўлган айрим лойиҳалар депутатлар ташаббуси билан ғолиб, деб топилиши мумкин.

РАИСЛИК — ИМТИЁЗ ЭМАС, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МАСЪУЛИЯТДИР!

Бугунги "маҳалла раиси" тушунчаси фақат муҳр босиш, маълумотнома бериш ёки туй-маросимларда тўрда ўтиришдан иборат эмас. Замон узгарди, талаблар шиддат билан янгиланди. Эндиликда маҳалла раҳбари, бу — ижтимоий менежер, музокарачлар устаси ва аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатдир. "Ташаббусли бюджет" назарий жиҳатдан содда кўринса-да, амалда маҳалла фаолларидан ташаббускорлик, ташкилий қобилият ва аҳоли билан самарали ишлаш кўникмасини талаб қилади. Қаерда маҳалла раҳбарининг ташаббуси кучли, аҳоли билан мулоқот самарали йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда натижа бор. Қаерда бефарқлик устун бўлса, у ерда ҳатто энг яхши имкониятлар ҳам самара бермайди. Демак, масала фақат маблағда эмас, балки жиҳад ва лидерликда.

МЕДИА-ТУР

Маҳаллалардаги ислохотлар журналистларнигоҳида



Шу маҳаллада яшовчи Фулом Абдуназаров асарчилик ва томорқачилик фаолиятини йўлга қўйган. 4 сотихлик томорқада помидор етиштиради. Оилага фаолиятни бошлаш учун бир йил аввал "маҳалла етилиги" кўмаги билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган эди, ҳозирда хонадон аъзолари йилига 100 миллион сўмгача даромад топмоқда.

Пискент туманидаги "Мингтепа" маҳалласига ташриф давомиди ҳудуд "драйвери" — узумчилик фаолияти билан танишиш имконияти яратилди. Маҳалладаги 636 та хонадоннинг 620 таси шу йўналишда банд. Уларга 4 минг дона узум сўриси учун махсус устунлар ўрнатиб берилган.

Жумладан, Адолат Рустамова 20 сотих томорқасида ток билан бирга, қатор ораларида исмалоқ, картошка, булғор қалампери, бақлажон экади. Помидор, бақлажон ва булғор қалампери кўчатларини тайёрлаб сотади. Шунинг ортидан оила уй қуриб, машина олган, Умра амалларини адо этган.

Рустам ЮСУПОВ.

Маҳаллада спорт ривожланса, нафақат жисмоний фаоллик ортади, балки соғлом турмуш тарзи ҳар бир хонадоннинг кундалик одатига айланади.

СПОРТНИ ТАРҒИБ ҚИЛГАН МАҲАЛЛА РАИСИ РАҒБАТ ОЛАДИ

резидент Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, сўнгги тўққиз йилда 1,5 мингдан зиёд маҳаллада 1774 та замонавий спорт майдончаси қурилди, жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари, 4 мингга яқин хусусий спорт клуби иш бошлади.

Бир қарашда, бу кўрсаткичлар инфратузилма ўсишини ифодалайди. Аммо масаланинг янада муҳим жиҳати — ушбу имкониятлар аҳоли саломатлигига қай даражада таъсир қўрсатаётганидир. Айнан шу нуқадан қараганда, соҳада янги ёндашувлар жорий этилаётгани диққатга сазовор.



"Маҳалла - мактаб - спорт муассасаси - федерация" занжири асосида ишлаш янги bosқичдаги тизимли ёндашувни аниқлатади. Бу орқали нафақат оммавий спорт, балки иқтидорли ёшларни саралаш (селекция) жараёни ҳам такомиллашди. 8 992 та маҳалла 26 та федерация раҳбарларига боғланиб, мактаблардаги тўғарақлар зарур спорт анжумлари билан жиҳозланади.

Янги тизимнинг муваффақияти ҳар биримиздан — маҳалла раисидан тортиб, оддий фуқарога — соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий масъулият эканини аниқлаб етишимизга боғлиқ.

Мазкур медиа-тур маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаларини очиқ-ойдин намойён этди. Энг муҳими, бу каби тадбирлар илғор тажрибаларни оммалаштириш, давлат ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолида дахлдорлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бўка туманидаги маҳаллаларда медиа-тур янада мазмунли ва таъсирчан руҳда давом этди. "Қўлдоштепа" маҳалласида хонадонларга ташрифлар орқали томорқадан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад манбаларини яратиш бўйича амалий тажрибалар намойиш этилди. Шу билан бирга, янги ташкил этилган тикувчилик ва касб-хунар ўқув марказлари, замонавий кутубхона, маҳалла биноси, "Нурунийлар маскани", хизмат кўрсатиш объектлари ва спорт инфратузилмалари аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил сифатида намойён бўлмоқда. "Навобод" маҳалласида эса янги иш уринлари яратишга қаратилган тикув фабрикаси, тиббиёт пункти, кутубхона ва спорт майдонлари фаолияти билан танишилди. Ёшлар иштирокидаги машғулотлар, тадбиркорлик ташаббуслари, миллий таомлар кўргазмалари ва маданий чиқишлар маҳалла ҳаётининг қай даражада ранг-баранг ва мазмунли эканини кўрсатди.



Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш учун БОНД ОМБОРЛАРИ ташкил этилади.



Тадбиркорларга МОЛ ВА ҚЎЙ ГЎШТИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШДА СУБСИДИЯ ажратилади.



Амир Темура таваллудининг 690 йиллигига бағишланган ЭСДАЛИК ТАНГАЛАР СOTУВГА ЧИҚАРИЛДИ.

2026 йил 11 АПРЕЛЬ, ШАНБА

Mahalla №30

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ОЧИҚ МИНБАРДАГИ ОШКОРА ГАПЛАР

Акмал Қодиров хонадонини кўплар ҳавас қилади. Бу инсонни маҳалладошлари оилавий тадбиркор сифатида яхши танийди.

БИТТА ИШСИЗ БОРЛИГИ ҲАМ БИЗНИ БЕКОР ҚОЛДИРМАЙДИ

Шухрат ТОВБАЕВ, Зарбдор туманидаги “Оқбулок” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шу боис уларнинг бандлигини таъминлаш қийин кечяпти. Иш тақриф қилсак, маоши қониқтирмайди, кредит олишни эса истамайди. 2025 йилда 18 та ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозиргача 7 нафарини банд қилдик. 11 нафари қолиб кетди. Тўғри, бу рақам оз туюлади. Лекин биттаси ҳам биз учун кўп.

Негаки, унинг хонадонидagi 15 сотихли замонавий иссиқхонада қишу ёз турли сабзавот маҳсулотлари, помидор, бодринг баравж ўсади. Йилига 4 марта ҳосил олиб, даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Бундан ташқари, тегирмон, пахта титиш ва ем ишлаб чиқариш, автомобиль ювиш корхонаси мавжуд бўлиб, йиллик даромад 200 миллион сўмни ташкил этапти.

Ҳа, маҳалламизда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун ички имкониятдан самарали фойдаланяпти. Шу боис ишсизлик 7 фоиздан 5,8 фоизга тушди. Лекин бу борада муаммолар ҳам борки, ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Бунинг сабабини ўрганганимизда, биринчи навбатда, доимий ишнинг йўқлиги, маълумотга эга бўлмаганлик, касб-ҳунарсизлик, шунингдек, тадбиркорлик қилиш учун билим ва малаканинг етишмаслиги экани аниқланди. Шунингдек, мазкур ҳолат фуқаронинг бирон-бир ишни бошлашдан олдин шу соҳага қизиқиши ва тушунчаси йўқлигидан келиб чиқяпти.

Муаммо ечими эса битта — инсон, аввало, ўзидаги ялқовлик ва дангасаликка барҳам бериши керак! Шу сабабли фаоллар, нуронийлар кўмагида “хонадонбай” тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Томорқадан самарали фойдаланиш ва хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эътибор қаратяпмиз.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

БЎШ ТУРГАН ЕР ЛОЛА, БЎШ ЮРГАНЛАР МЕҲНАТ БИЛАН БАНД БЎЛДИ



Одатда, бирор ишни бошлаш қийин туюлади. Аста жараёнга мослашиб, қийинчиликларни енгасиз. Менда ҳам шундай бўлган. Дастлаб хатлов ўтказиб, аниқланган муаммолар ечими устида тизимли ишлашга киришдим, уларни ҳал қилиш бўйича икки йилга мўлжалланган режа тузиб олдим. Бу орқали тадбиркорлар сони ортиб, янги иш ўринлари яратилди, ишсизлар сони камайди.

Мардонбек ШОАБДУЛЛАЕВ, Жалақудуқ туманидаги “Ёрқишлоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Одатда тажриба орқали тобланиб бораркан. Мен ҳам қузатувлар олиб бориб, ҳоким ёрдамчиси фақат бажарувчи эмас, ташаббускор бўлиши лозимлигини англадим. Яъни излансангиз, янги имкониятлар эшиги очилавераркан. Бу жараёнда маҳалла раиси Рустам Сулаймонов яқиндан қўмақлашди.

Мисол учун, асосий “драйвер”имиз — узумчилик эди. Интилмасак, шу билан чекланиб ўтираварардик. Эътибор берсам, сўритоклар остидаги ер бўш ётибди. Шароитдан келиб чиқиб, бу жойларда лола етиштиришни йўлга қўйдик. Аввал оддий қизиқшдан бошланган тажриба бугун янги “ўсиш нуқта”га айланди. Йилдан-йилга кўрсаткичимиз яхшиланаяпти. Дастлаб 50 та хонадон шу йўналишда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 200 тадан ортиб кетди. Муҳими, соҳада илғор тажриба шаклланди.

Томорқадаги лола пиёзлари янги тур ва навлар билан бойитилаяпти. Бу — нафақат маҳсулот сифати ва ҳажмини оширяпти, балки аҳоли бандлигини таъминлаяпти. Ишсизлик, камбағалликни қисқартиришга, аввало, Ижтимоий реестрда рўйхатда турган фуқаролар бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Мисол учун, Абдуғаффор Жалилов оилавий шу йўналишда банд. Бундан ташқари, бўш бино ва ҳовли ер майдонларини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида фойдаланишга берганимиздан кейин тадбиркорлар сафи янада кенгайди. Бобур Холдоров 4-5 йилдан бери, ишсиз эди. Ургансак, сартарошликка қизиқди, лекин бунинг учун бино бўлмаган. Унга бўш турган бинони бепул фойдаланишга бердик. Шу орқали ўзини ўзи банд қилди.

Ҳозир деярли ишсизликдан холи ҳудудимиз. Нега ишонч билан бу фикрни айта оламиз? Чунки норасмий ишлаётганлар ҳам бор. Уларга 4-5 миллион сўмлик иш тақриф қилсак, кўнмайди. Демак, даромади бу рақамдан кўпроқ. Уларни расмий банд қилиш учун имтиёзли кредит тақриф қиляпмиз. Афсуски, бу борада чеклов мавжудлиги учун барчага ёрдам бера олмаёпмиз. Имкони бўлса, имтиёзли кредит микдорини кўпайтириб, фоизини камайтириш керак. Шунда талабгорлар кредит олишга иккиланмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР.

МАОШ КЕЧИКСА, КОМПЕНСАЦИЯ ҲИСОБЛАНДИ

Мадина ТОҲИРОВА, Чортоқ тумани:

— Шу кунгача ойлик иш ҳақимни вақтида олиб келганман. Лекин жорий йилдан бошлаб, маош кечикяпти. Бу вазиятда ҳар кун учун фоиз қўшиб бериладими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу жараён Меҳнат кодексига асосан, тартибга солинган. Унга кўра, ходимларга иш ҳақи тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимларга ойлик иш ҳақи, қоида тариқасида, 16 кундан кўп бўлмаган танафус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бунақда ва қолган қисми микдориди) тўланади. Иш ҳақи тўланганидан кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда маблағ ушбу кунлар арафасида тўланади.

Агар маош вақтида тўланмаса, компенсация ундириш белгиланган. У Марказий банкнинг фоиз ставкаси микдориди кечиктирилган кунга ҳисобланади. Бу тартибдан мақсад — иш берувчининг ходим олдидаги масъулиятини ошириш.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Баҳор фаслида ўсимликлар қишки дам олишдан чиқиб, фаол ўсиш босқичига ўтади. Айнан шу даврда тўғри ўғитлаш дарахт, сабзавот ва экинларнинг соғлом ривожланиши учун жуда муҳим ҳисобланади.

БАҲОРГИ ЎҒИТЛАШ — ЎСИМЛИК ЎСИШИГА РАҒБАТДИР



Шодмон НАМОЗОВ, Қишлоқ ҳўжалигидида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Баҳорги ўғитлашдан асосий мақсад — ўсимликнинг ўсишини рағбатлантириш, илдиз ва новдаларни мустаҳкамлаш, гуллаш ва ҳосил туғишга тайёрлаш.

Бу мавсумда энг керакли ўғит — азот. У бург, новда ва яшил масса ўсишини тезлаштиради. Аммо уни меъёрдан ортиқ бериш мумкин эмас. Акс ҳолда ўсимлик мевасидан кўра, барги ривожланиб кетади. Калий эса ўсимликнинг касалликка чидамлилигини оширади, гул, мева сифатига ижобий таъсир қилади.

Жараёнда ўғитни қуруқ ерга эмас, нам тупроққа, экин турига қараб бериш керак. Меъёрдан ортиги зарар келтиради. Енгил суғориш фойдали.

Баҳорда тўғри ўғитланган ер ва ўсимлик кейинчалик кучли ўсиб, яхши гуллайди ва мўл ҳосил билан жавоб беради. Шунинг учун баҳорги ўғитлашни шунчаки одат эмас, балки ҳосил учун муҳим сармоя, деб қабул қилиш керак.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Сўх туманида
ТУРИЗМ ВА
ХИЗМАТЛАР
СОҲАСИГА
60 миллион доллар
сармоя
жалб қилинади.



МАРКАЗИЙ
БАНК: аҳоли
даромадларининг
энг кўп қисмини
уй таъмирлашга
сарфлаган.



Ўзбекистон ва
АҚШ жорий йилда
ҚУШМА
ИНВЕСТИЦИЯ
ПЛАТФОРМАСИНИ
ишга
туширади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ЗЎРАВОНЛИК ЗЎР ЙИГИТНИНГ
ИШИ ЭМАС

Юртимизда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларни зўравонликнинг барча шаклларида ишончли ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга масалалардан бири. Ушбу йўналишдаги сайъ-ҳаракатлар натижадорлигини ошириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда.

ШАҒҚАТ ҚИЛМАГАНГА
МУРОСА ҲАМ ЙЎҚ!

Гулшана ХУДОЁРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.


Яқинда парламент кўйи палатасида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аёллар ва болаларга нисбатан таъминот ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини кучайтиришга, шунингдек, баъзи жиноятлар терговининг сифатини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун айни мақсадларга йўналтирилган.

Бугунги кунда бутун дунёда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик, ахлоққа зид бўлган жиноятларнинг ортиб бораётгани аянчли. Бу каби жиноятларга қарши мамлакатимизда ҳам зарур чоралар олиб борилмоқда. Қонун билан, биринчидан, жинсий эркинликка, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни тергов қилиш ваколати ички ишлар органларидан прокуратура органларига ўтказилмоқда.

Аслида, бу турдаги жиноятлар тезкор ҳолда жойига бориб текширилиши лозим. Қолаверса, профилактика инспекторларининг ҳаммаси ҳам юридик маълумотга эга эмас. Шу маънода бу йўналишдаги тергов ишларининг профилактика инспекторларидан прокуратура органларига ўтказилиши ушбу жиноятларни сифатли ва адолатли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, жинсий эркинликка қарши жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташ тартибини қатъийлаштириш назарда тутилмоқда. Амалдаги тартибга кўра, болаларга нисбатан жинсий зўравонлик билан боғлиқ ўта оғир жиноятларда маҳкумлар жазо муддатининг охириги бир-икки йилда манзил-колонияларга ўтказилади. Энди эса Жиноят кодексининг 118-119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни воёга етмаганларга нисбатан содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар манзил-колонияларга ўтказилмайд.

Қонунда кўзда тутилмаётган мейёрлар жинсий зўравонлик ҳолатларини фож этиш, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш сифатини оширишга хизмат қилади. Бу эса аёллар ва болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишда самарадорликни таъминлайди.



“Айтиш керакки, амалдаги қонунчилигимизга кўра, болаларга нисбатан жинсий таъвоузга оид жиноятларни профилактика инспекторлари жойига бориб ўрганади. Аммо айрим ҳолларда профилактика инспекторлари жиноят жойига ўша куннинг ўзида эмас, балки бир неча кундан сўнг, ҳатто 10 кундан кейин бориб ўрганган ҳолатлар бўлган.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ПАЗАНДА ВА ЧЕВАР ҚИЗНИ
КЕЛИН ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Хунар эгаллашнинг ҳикмати кўп. Айниқса, қизларни турмушга тайёрлашда пазанда ва чевар қилиб тарбиялаш уларнинг оқила уй бекаси бўлишига замин яратди.



Нигора МАҲСУДОВА,
Богот туманидаги
“Қорабоғ” ва
“Пахтабод” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.

Келин қидираётганлар Назира аянинг мактабидан-авлодга ўтиб келаётган соҳани муносиб тарзда давом эттириб келяпти. Чеваримиз беш-олти йилдан буён маҳаллаимиздаги эҳтиётманд ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга устозлик қилиб, йилига 50-60 нафарга яқин опа-синглимизнинг мустақил фаолият бошлашига кўмаклашяпти.

Маҳаллаимиз чекка ҳудудда жойлашгани боис кўпчилик аёллар уйда ўтиради. Уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, рўзгорига ҳисса қўшиши учун талаб юқори бўлган йўналишларга жалб қилаямиз. Айни вақтда уларнинг кўпчилиги ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланыпти. Бир қарашда арзимасдек туюлган бу юмуш ортдан, аслида, яхшигина даромад топса бўлар экан.

У ҳақиқатни теран англаган ҳолда маҳаллаимиздаги юқори синф ўқувчиларини Назира ая Собировага шоғирдикка йўналтирмамиз. Бу аёл узоқ йиллардан буён қуроқчилик билан шуғулланиб, миллий хунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Қолаверса, қизиқувчиларга касб ўргатиш асосида тенгсиз ҳаётини тажрибаларини ҳам ўртоқлашади.

“Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” комиссияси ҳамада “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари билан хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва психологик билимларини ошириш учун мунтазам равишда тадбирлар ташкиллаштириб келяпти. Тизимли тарзда олиб борилаётган сайъ-ҳаракатларимиз самараси ўларок, аёлларнинг дунёқариши анча ўзгарди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни мустақил таҳлил қила оляпти. Тақдим этилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш кўникмаси ортиб борапти.

Шу кунга қадар “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизларнинг кўпчилигига субсидияга тикув машиналари бериб келаётган эдик. Лекин энди бу имконият фақатгина Ижтимоий реестрдагиларга сууда асосида тақдим этиляпти. Назаримда, шу масалада яна бироз энгиллик яратилса, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлашда бизга катта дастак бўларди.

НОЗИК ЖУССАДАГИ
НОДИР ФАЗИЛАТ

Юртимизда оилавий тадбиркорлик тобора ривожланиб, кўплаб хонадонлар ўз даромад манбаини яратишга эришмоқда. Айниқса, парранда боқиш орқали қисқа муддатда барқарор даромад топаётганлар сони ортиб борапти.

ЕТТИ
ХАЗИНАНИНГ БИРИ
МУРОДИГА ЕТКАЗДИ

Гулрух НУРИДДИНОВА,
Олот туманидаги
“Жайхунбод”
маҳалласи хотин-қизлар
фаоли.

Шундай ташаббускор аёллардан бири маҳалламизда яшовчи Обида Тўраевдир. Унинг фаолияти бундан олти ой бурун бошланган бўлиб, дастлаб Самарқанд вилоятидан жўжалар харид қилган. Аввалдан 1 200 бош парранда учун мўлжалланган товуқхона ва зарур шароит тайёрланиб, оилавий тадбиркорлик доирасида тижорат банкидан олинган 100 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи кўмағида иш бошланган.

Бугунга келиб ҳўжалида боқилаётган парранда 7-8 ойлик бўлиб, тўлиқ туҳум бериш даврига кирган. Оилавий тадбиркор ҳозирда 1 000 бошга яқин парранда парваришлайётган бўлса, улардан кунига 800 дона туҳум олинаётгани моддий манфаатдорлик учун асосий манба, албатта.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Энг бахтли дамларини
кўзёш билан ўтказганди...

Нозима Шокирова (исми ўзгартирилган) Сирдарё вилоятидан Чиноз туманига келин бўлиб тушган. Аммо унинг оилавий ҳаёти кутилганидек кечмади...

Элбек ШОЙИМКУЛОВ,
журналист.

Турмуш ўртоғининг мунтазам таъйиқлари, қайноасининг тинимсиз эътирозлари ёш келиннинг ҳаётини издан чиқарди.

— Кунларим кўрқув ва изтиробда ўтар эди. Ҳар тонг уйғонган пайтимда яна қандай ҳақорат ёки босим кутаётганини ўйлаб, юрагим сиқиларди, — дейди аёл. — Оддий майший камчиликлар ҳам жиддий можарога сабаб бўлар, кўпол муомала одатий ҳолга айланиб қолган эди. Келинликнинг энг бахтли дамларини кўз ёшлар билан ўтказдим.

Ёлғизлик ҳисси тобора кучайиб, ички кечинмалар унинг руҳий ва жисмоний соғлиғига салбий таъсир кўрсата бошлади. У ўзини доим ожиз хис қилар, ҳатто яшадан умидини узишга яқин ҳолатларга ҳам тушган.

Вазият оғирлашган, у Тошкент вилояти Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига жойлаштирилди. Ушбу масканда унга малакали мутахассислар психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, у сартарошлик ва тикувчилик каби касб-хунарларни ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Кўрсатилган эътибор ва меҳр туфайли Нозима яна ҳаётга ишонч билан қарай бошлади.

— Очиғи, бошида бироз иккиланиб иш бошлаганмиз, — дейди Обида Тўраева. — Парвариши, парранда касалликлари, озуқа масаласи, эмлашларини ҳисобга олиб, “етти ўлчаб бир кесдик”, Ишни бошлаганимиз қиш фаслига тўғри келди, аммо парранда ўзининг иссиқлиги билан хонани ҳам иситаркан. Парвариш қилиш ҳам унчалик қийин эмас — сув ва ем бериш кунига 20-30 дақиқа вақт олади. Қувноарлиси, ҳозирда туҳум йиғиш кун давомида асосий машғулотиимизга айланган.



Оилавий паррандабоқарлар ҳар кунини ўртача 800 дона туҳумни бозорга чиқаришмоқда. Бир дона туҳум 1 300 сўмдан сотилапти, шунда 30 таси 37 минг сўмни ташкил этади. Кунлик туҳум қарийб 1 миллион сўмдан иборат. Парранда озукасининг 1 килограмми 5 минг 500 сўм бўлиб, бир дона товуқ кунига тахминан 100-120 грамм ем истеъмол қилади. Бу эса бир кунда 800 сўм харажат дегаани. Демак, даромад харажатдан анча юқори.

Бежизга халқимиз “товуқ — етти хазинанинг бири” демайди. Бу фаолият тури кам маблағ билан бошланиб, барқарор даромад келтириши билан аҳамиятли. Бугун Обида Тўраева тажрибаси кўни-қўшни, жайхун-ободликлар учун ҳам ўрнатқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис, айни пайтда атрофдаги қишлоқларда ҳам парранда парваришига жиддий киритилганлар сафи кенгайган.


Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ
Номзодлар турнирида 10 имкониятдан 8 очко тўплаб, пешқадамлигини мустаҳкамлади.



Ўзбекистонда олий таълим ҳамда илмий муассасалар муассислигида “СПИН-ОФФ” КОРХОНАЛАРИ ташкил этилади.



Ўзбекистонда УЎҚУВЧИЛАРИ ЮТУҚҚА ЭРИШГАН СПОРТ МАКТАБЛАРИГА 500 миллион сўмдан мукофот берилади.

2026 йил
11 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №30

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ТАРТИБ

Илгари кўпчилик ҳарбий хизматни фақат “йигитлар бориб, йигитлик бурчини адо этадиган манзил” сифатида биларди. Бироқ эндиликда армияга борган йигит вақтдан янада самарали фойдаланади — ўқийди, касб ўрганади, ўзини ривожлантиради.

Ҳарбийда юриб, касб ўрганиш учун ҳужжат топшириш мумкин

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 13 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ёшларга армияда нафақат хизмат бурчини ўташи, балки ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ҳам кўмаклашиш зарурлиги қайд этилган. Орадан кўп ўтмай, яъни жорий йил 6 апрель куни ўтказилган навбатдаги йиғилишда ушбу масала яна бир бор кўриб чиқилиб, ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.



Шу асосда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ нуфузи ва жозибдорлигини ошириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар хизматни ўтаётган пайтида олийгоҳларга ҳужжат топшириб, масофадан туриб ўқиши мумкин. Бу — жуда катта имконият. Авваллари “хизматдан кейин ўқийман” деб вақт кетарди, эндиликда иккисини бирга олиб бориш мумкин. Эътиборлиси, ҳарбий қисмларнинг ўзида абитурентлар учун тайёрлов курслари бўлади. Яъни аскар имтиҳонга ёлғиз ўзи тайёрланмайди, унга ёрдам берилади. Бу, айниқса, чекка жойлардан келган йигитлар учун жуда катта энгиллик.

Яна бир эътиборли жиҳат — яхши хизмат қилган, спортда ёки фан олимпиадаларида ютуққа эришган аскарлар имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиниши мумкин. Яъни ким ўз устида ишласа, меҳнати, албатта, қадрланади. Шу билан бирга, “Битта аскар – битта касб” тамойили жорий қилинади. Бу дегани, ҳар бир йигит ҳарбий хизматдан камиди битта хунар ўрганиб қайтади. Бу унинг келгусида иш топишда жуда қўл келади.

Қарорда хизматдан қайтганларга ҳам алоҳида энгилликлар бор. Агар кимдир хусусий секторда ишламоқчи бўлса, касб ўрганиш харажати давлат қоплаб беради. Давлат ишига кирмоқчи бўлганларга тест синовларида ўзлари тўплаган баллнинг 10 фоизи қўшиб берилади. Армияда китобхонликка ҳам эътибор кучайтирилади. “Маънавият қалқони” танлови ўтказилиб, энг яхши китобхон аскарлар электромобиль ютиб олиш имконига эга бўлади.

Умуман олганда, қарор доирасидаги ўзгаришлар шуни аниқлатади, эндиликда ҳарбий хизматга бориш фақатгина бурч эмас, балки имконият ҳамдир. Армия ўқиш, касб ўрганиш, тажриба ортириш, хатто келажақдаги режалар учун йўл очадиган бўғинга айланмоқда.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

РАҚАМЛИ ТИЗИМ ЁШЛАР ТАҚДИРИГА ТЎҒРИ ЕЧИМ ЭМАСМИ?

Ёшлар етакчиси сифатида тўрт йилдан бери маҳалламиздаги йигит-қизлар билан ишлаб келаман. Шу вақт мобайнида уларнинг дардини эшитдик, ҳолатини ўргандик, имконият доирасида қўллаб-қувватладик.

Нодир МУРОДОВ,
Жиззах шаҳридаги
“Жиззахлик”
маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Илгари бизда бир муҳим устулик бор эди — инсонни рақам эмас, ҳолатидан келиб чиқиб баҳолаш. Бу ҳолатда ёшларнинг уйига бориб, оила муҳитини кўрардик. Балки ҳужжатда камбағаллик кўрсаткичига тушмас, лекин ҳаётда муҳтож бўлардик. Шундай пайтларда “Ёшлар дафтари”га киритмасак-да, ўз ташаббусимиз билан кўмак бера олардик.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Аммо жорий йилдан бошлаб барча маълумотлар “Ёшлар дафтари” платформасига боғланиб қолди. Энди фақат тизимда борларгина ёрдам олади. Масалан, бир оилада жон бошига даромад 715 минг сўмдан ошмаса, камбағал ҳисобланади. Лекин бу миқдор билан ҳаёт қанчалик энгиллашади? Афсуски, тизим фақат рақамни кўради, инсонни эмас.

Шу кунларда учраган ҳолатлардан бири — Диёр Илҳомов билан боғлиқ. У 18 ёшда, отаси вафот этган, онаси бедарак йўқолган. Акиси ўз ҳаёти билан овора. Диёрнинг ортида туриб, уни ҳимоя қиладиган васий йўқ. Ижтимоий реестрга киритишга ҳаракат қилдик, аммо талабларга жавоб бермайдди. Чунки расмий васийси йўқ. Натижада у ёрдамдан четда қолди...

Мана шу каби вазиятлар бизни ўйлантиради. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, таклиф бердик: аввалгидек “маҳалла еттичилиги” тавсияси асосида, ёшларнинг ҳақиқий ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, “Ёшлар дафтари”га киритиш имконияти қайтарилса. Чунки айнан маҳалла ходимлари ёшларнинг ҳақиқий ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билади.

Албатта, ёшлар фаолияти билан боғлиқ ижобий жиҳатлар ҳам кўп. Йигит-қизларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдори ошди. Ҳозир 300 миллион сўмгача кредит олиш имконияти бор. Буни ёшларга фаол таклиф қиляпмиз. Масалан, ҳудуддаги икки нафар маҳалладошимиз 90 миллион сўм атрофида кредит олиб, компьютер жамланмаси харид қилди ва бугун ахборот технологиялари соҳасида иш бошлади. Бу — имкониятдан тўғри фойдаланиш намунаси.

Яна бир муаммо — илгари мавжуд бўлган 22 турдаги ёрдамнинг қисқариши. Моддий ёрдам, даволаниш каби кўмаклар камайиб, асосий эътибор таълимга қаратилляпти. Албатта, бу яхши. Илм — келажақ. Лекин оч қорин билан илм олиш ҳам осон эмас. Айни масалада ҳам жараёнга яна бир назар ташлаш керак.

Лекин ҳар бир ёш тадбиркор бўла олмайди. Ҳар ёш кредит олишга тайёр эмас. Айримларга шунчаки қўллаб-қувватлаш, бир илқ сўз, бир кичик ёрдам кифоя. Менинг мулоҳазам шуки: тизим инсон учун хизмат қилиши керак. Агар биз ёшларнинг қалбига йўл тополмасак, уларни рақамлар орасида йўқотиб қўямиз. Мақсадимиз эса — ҳар бир ёшга имконият яратиш, уларни ёлғиз қолдирмаслик.

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Солиқ имтиёзи иккиламчи ипотекада ҳам қўлланиладими?

Дилдора ЯШАРОВА.
Наманган вилояти:

— Биз ёш оила сифатида иккиламчи ипотека асосида уй сотиб олдик. Шу ҳолатда имтиёздан фойдаланиб, тўланган даромад солигини қайтариб олиш ҳуқуқимиз борми? Агар мумкин бўлса, бунинг учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилишимиз керак?



Ҳасан ҚОБИЛОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Солиқ кодексининг 378-моддаси талабларига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг ипотека кредити бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини қоплашга йўналтирилган даромадлари солиқдан озод этилади. Мухими, ушбу имтиёз ёш оилалар учун алоҳида энгиллик билан қўлланилади: агар сиз ёки турмуш ўртоғингиз ипотека шартномаси расмийлаштирилган пайтда 30 ёшга тўлмаган бўлсангиз, давлат субсидиясини олган-олмаганингиздан қатъи назар, мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Бу қоида иккиламчи бозордан сотиб олинган уй-жойларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Сиз ушбу имтиёздан икки хил тартибда фойдаланишингиз мумкин. Биринчи усул — иш берувчи орқали. Бунинг учун иш жойингиз ҳисобчасига ипотека шартномаси, тўлов жадвали, никоҳ гувоҳномаси ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этасиз. Шундан сўнг иш берувчи сиздан даромад солигини ушлаб қолмайди.

Иккинчи усул — солиқ ташкилотлари орқали амалга оширилади. Бунда сиз яшаш жойингиздаги солиқ ташкилотига ёки электрон тарзда даромадлар тўғрисида декларация тақдим этасиз. Текширув якунларига кўра, ортиқча ушланган солиқ суммаси сизга қайтариб берилади.

Шу билан бирга, айрим чекловларга эътибор қаратишингиз лозим. Жумладан, имтиёз қўлланиладиган сумма белгиланган меъёр — БҲМнинг 80 баравари доирасида чекланади. Шунингдек, агар ипотека асосида олинган уй-жой 36 ой ичида бошқа шахсга ўтказилса, илгари берилган солиқ имтиёзлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, бюджетга қайтарилиши мумкин.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙТИМИ?

ХАТО ВА ТАЖРИБАЛАР ТАДБИРКОРГА МАКТАБ БЎЛАДИ

Мен бизнесга жуда эрта — 12 ёшимдан кириб келганман. Илк қадамларим шарбат сотишдан бошланган. Балки бу кичик ишдек туюлар, лекин айнан шу давр менга савдо нима, миқоз билан муомала қандай бўлиши керак — шу каби энг муҳим сабоқларни берган.

Нодирбек ОТАБОЕВ.
Беруний тумани “Қанғашарт”
маҳалласи.

Аслида, тадбиркорлик — отамерос, у киши шу соҳада фаолият юритганига боис ўрганиш қийин бўлмаган. Кейинчалик бора-бора инглиз ва хитой тилларини ўргандим. Бизнес мулоқотлар, асосан, шу тилларда олиб борилди. 2023 йилда Хитойга ўқишга кирдим, дарслардан сўнг бозорларни ўргандим. Бугун бу ҳаракатларим бизнесимда қўл келяпти. Ҳозир бевоқиф Хитойдан электр иситтигичлар, қувурлар, қуёш панеллари ва сув иситтигичларни олиб келамиз.

2025 йилдан бошлаб, яна бир янги йўналиш — кўп қаватли уй-жой қурилишига сармоа киритдим. Албатта, бу мен учун янги соҳадир. Лекин ҳаракат қилган одам учун имкониятлар ҳар доим очилади. Ҳозирги кунда қўл остида 55 нафар ишчи фаолият юртияпти. Бундан ташқари, одамлар дам олиши учун кичик кафе очганмиз. Бу ҳам алоҳида бир тажриба мактаби бўлди.

Пулни тўғри ишлатиш ҳақида гап кетса, очигини айтмак, хато қилмаган тадбиркор бўлмайди. Мен ҳам кўп марта йиқилганман, катта йўқотишларга учраганман. Лекин шу билан бирга тушундимки, тавақал қилмасанг, муваффақият келмайди. Энг муҳими, ҳар бир хатодан ҳулоса чиқариш.



Бизнесда устоз топиш жуда муҳим. Шунинг учун тадбиркорликни бошлamoқчи бўлган ёшларга айтардим: албатта, тажрибали инсонлар билан ишланг, улардан ўрганинг. Чунки бизнес, бу — фақат пул топиш эмас, бу — доимий ўрганиш, хатолар ва тажриба орқали ўсиш демакдир.



Давлат органи ёки мансабдор шахснинг **НОҚОНУНИЙ ҚАРОРИ ТУФАЙЛИ** етказилган зарарни қоплаш тартиби белгиланади.



ЎЗБЕКИСТОНДА **74 ФОИЗ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ЭСКИРГАН** — Сенат реновацияга оид янги қонунни маъқуллади.



Тошкентда уч ойда **АВТОБУСГА ЙЎЛКИРА ТЎЛАМАГАН 32,4 минг киши жами 1,33 миллиард сўм миқдорида жаримага тортилди.**

6

Mahalla №30

2026 йил
11 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

СИЙРАТ

НИГОҲЛАРДАГИ МИННАТДОРЛИК — КЎПЧИЛИК КЎНГЛИДАГИ ШУКРОНАЛИКДИР

Анча вақтдан буён одамларга нафим тегадиган қандайдир фаолият тури билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб юргандим. Шу пайт маҳаллаларда ижтимоий ходим лавозими жорий этилгани ҳақида эшитиб қолдим. Ҳеч иккиланмай биринчилар қаторида ҳужжатларимни топширдим.

Фируза ТУРОПОВА,
Китоб туманидаги “Парчакент” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ич-ичимдан номзодим тасдиқлашини ҳис қилиб турардим. Хушxabарни эшитганим ҳамон хаёлимда амалга оширишим керак бўлган ишлар режасини тузишга киришиб кетдим. Мана, икки йилдан буён шу шижоат ва ғайрат билан ҳудудимизда истиқомат қилаётган эҳтиёжманд ва имконияти чекланган кишиларга кўмаклашиш учун туну кун хизматдамыз.

Айни вақтда маҳалламиздаги 590 та хонадондан 61 нафар шахс Ижтимоий реестрга киритилган. Шу кунга қадар 114 та ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсга кейс-менежмент асосида керакли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, уларнинг 22 нафарини муносиб иш ўринларига жойлаштириб, доимий бандлигини таъминладик.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали уй-жой таъмири, озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотларини етказиб беришда ёрдам кўрсатилди.

“Еттилик” ходимлари ва ҳомийлар ташаббуси билан Ижтимоий реестрда турган оила фарзандининг суннат тўйини ўтказдик. Бундай тадбирлар орқали халқ билан қалбан яқинлашиб, қувончли кунларига шерик бўлишининг гашти бошқача. Уларнинг нигоҳидаги миннатдорлик кайфиятини фақатгина бир кишининг эмас, балки бутун маҳалла аҳлининг кўнглидаги шукроналик, деб биламан.



“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 15 нафар шахс кундузги парварош ва уйда қараб туриш хизматлари билан қамраб олинди. Натижада, анчадан буён бошқалардан ажралган ҳолда ҳаёт кечираётган инсонларнинг ижтимоийлашуви таъминланди ҳамда фаол турмуш тарзига қайтарилди.

Ижтимоий реестрда турган, имконияти чекланган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва оила даромадини ошириш

мақсадида қатор янги лойиҳалар амалга татиб этилди. Тикувчилик, қандолатчилик, новвойчилик ва сартарошлик йўналишларида йўлга қўйилган ташаббуслар секин-аста ўз натижасини кўрсатяпти.

Мисол учун, боқувчисини йўқотган Раъно Жумабоевнинг оилавий даромадини ошириш мақсадида тикувчилик йўналишида иш бошлашига кўмаклашдик. Шу орқали яна 4 нафар Ижтимоий реестрда турган оила фарзандининг бандлигини таъминлашга эришдик.

Ногиронлиги бўлган фуқаро Нилуфар Марқаевага маҳалла гузаридан пишириқ тайёрлаш учун алоҳида хона ажратиб берилди. Натижада 3 нафар оила бекасининг доимий иш ўрнига эга бўлишига эришдик.

Юқорида келтирилган бу каби мисоллар ортида тинимсиз меҳнат, халқ билан бирдамлик ва фидойилик каби тушунчалар бор. Биз “еттилик” вакилларининг бундай жонқурлиги сабаб аҳоли ҳаётининг тубдан ўзгартаётганини эса энг катта мукофот, деб биламан.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Денов туманининг Охунбоев номидаги маҳалласида истиқомат қиладиган Зарина Нуралиева 1 гуруҳ ногиронлиги бўлишига қарамай, ҳаётда ўз ўрнини топа олган матонатли инсонлардан биридир.

ТЎСИҚЛАР ИРОДА, САБР ВА МЕҲНАТ БИЛАН ЕНГИЛАДИ

Маржон ТОШМУРОДОВА,
журналист.

Шу кунга қадар унга ижтимоий ходим ташаббуси билан қатор хизматлар кўрсатилди. Биринчи навбатда, қизга ногиронлик нафақаси тайинланди. Ҳаракатланганини енгиллаштириш учун махсус “акли” аравача тақдим этилди. Қувонарлиси, Зарина имтиёзли равишда давлат гранти асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинди.

Утган йили ўқишни тамомлағач, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги унга махсус логопед йўналишида малака оширишига кўмаклашди.

Бугунги кунда у ўзи туғилиб ўсган маҳалладаги 88-мактабда ташкил этилган инклюзив синфда махсус педагог сифатида фаолият юритмоқда. Зарина нафақат ишли бўлди, балки инклюзив синф ўқувчиларининг ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Бу эса ирода, сабр ва меҳнат билан ҳар қандай тўсиқларни енгиш мумкинлигини яна бир бор исботлайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

ҲАЁТ МАЗМУНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК БИЛАН ТОТЛИ

Бухоро туманидаги “Дўстлик” маҳалласида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида Махсус кундузги қараб туриш хизмати фаолияти йўлга қўйилган. Алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож инсонлар ҳаёт сифатини яхшилашда ушбу марказнинг ўрни жуда муҳим.



Малика ЖЎРАЕВА,
Бухоро туманидаги “Дўстлик” маҳалласи ижтимоий ходими.

бўлган махсус парварошга муҳтож шахсларга кўрсатилади. Улар учун кундузлик парварош, соғломлаштириш машғулотлари ҳамда ижтимоий мослашувга кўмаклашувчи методикалар ташкил этилган.

Нигора Аvezова болаликдан ногиронлик билан яшар, уйда ёлғиз ўзи қолар ва бу ҳолат унинг руҳий тушкунликка тушишига сабаб бўлаётганди. Марказга қатнашни бошлагач, нафақат тиббий хизматлар, балки турли ўйин ва машғулотлар уни руҳий ва жисмоний жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Натижада, қизнинг соғлиги ва кайфияти сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ишлаб юрган вақтимда Абдурасул Жумақулов ҳақида кўп илиқ фикрлар эшитганман. Гарчи у билан юзма-юз кўришмаган бўлсам-да, турли нашрларда эълон қилинган мақолаларини ўқиб, қалами ўткир журналист, ташкилотчи ва уddaбурон муҳаррир сифатида яхши билардим.

Чинакам меҳнат ва бетакрор ижод ҳар доим ҳаётнинг безаги бўлган

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари.

Устознинг тантилиги унинг “Хуррият мактаби”да яққол кўринади. Тахририятга келган ёш журналист учун у нафақат бош муҳаррир, балки меҳрибон устоздек йўл кўрсатади. Қаламини энди чархлаётган йигит-қизларга “сен қилдинг” эмас, “биз қиламиз” деб ўргатиши унинг юксак устозлик маҳоратидан далолатдир.

У юшмада фаолият бошлаганимдан кейин Абдурасул ака билан яқиндан танишдик. Суҳбатлардан унинг оддий ва камтар инсон экани сезилиб турарди. Мана, беш-олти йилдирки, ёнма-ён ва ҳамфикр бўлиб ишляпмиз. Утган йиллар давомида устоз билан биргаликда пойтахт ва юртимиз ҳудудларида ўтказилган кўплаб тадбир, семинар ва конференцияларда иштирок этдик.

Абдурасул ака билан сафарда ҳамроҳ бўлган киши сира зерикмайди, манзилига қандай етиб олганини билмай қолади. Бир-биридан қизик хангомалари, ҳазил-хузулари кайфиятингизни кўтарарди. Муҳими, юз-қўзидаги самимийлик шундоққина сезилиб туради.

У кишининг шахсиятида Сурхон воҳасига хос бўлган мардлик ва тантилик бор. Абдурасул ака билан суҳбатлашган инсон дарров пайқайдиган жиҳат — сохталиқдан йироқлик. У қимсаннинг амалига эмас, одамийлигига қараб муомала қиладиган, керак бўлса, шогирдининг муаммоси учун ўз тинчини фидо қиладиган инсон.



Кези келганда ай-тиш жоизки, Абдурасул Жумақулов “Hurriyat”ни тахририят қарзга боғган, газета чиқишдан тўхтаган, чоп этилиши сўроқ остида турган, энг ёмони — ижодий тушкунлик ҳукмрон бўлган ўта оғир пайтда қабул қилиб олди. Шу кундан бошлаб мазкур нашрга “жон” бағишлаш илнжида тиниб-тинчимайди.

Унинг биринчи қилган иши — ходимларда эртанги кунга ишонч уйғотиш бўлди. Тантилик фақат моддиятда эмас, балки оғир дамда жамоани ташлаб кетмаслик, уларнинг ижод қилиши учун шароит яратишда намоён бўлди. Астойдил қилинган меҳнат секин-аста ўз натижасини кўрсата бошлади. Оммавий ахборот воситалари ўртасида рақобат кучайгандан-кучайган, босма нашрлар молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган кейинги йилларда “Hurriyat”нинг миллий медиа майдонида ўз ўрнини эгаллай олгани фикримизни тасдиқлайди.

Журналист амалиёт ўтагани келган йигит-қизларга соҳа сир-асрорларини ўргатишдан эринмайди. Утган йиллар давомида кўплаб ёшлар унинг йўл-йўриқлари билан газета жамоасида шаклланди, қаламини чархлади.

Ижодкорнинг “Осмон бешиги”, “Юракка сиймаган гаплар”, “Ишқ боғи”, “Йиллар ва йўллар”, “Кундузги чироқ” каби қатор шеърий ва насрий асарлари чоп этилган бўлиб, улар рус, турк, қозоқ ва бошқа тилларга таржима қилинган. Абдурасул Жумақулов маҳорат билан ўзбек тилига ўғирган жаҳон адабиётининг энг сара ижодий ишлари эса ихлосмандлар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган.

Маҳоратли журналистнинг меҳнатларини давлатимиз муносиб эътироф этиб, 2003 йили “Шўхрат” медали, 2021 йилда “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотлаган.

Сўзимни мухтасар қилиб шуни айтмоқчиманки, Абдурасул ака нимага эришган бўлса, ҳаммасини меҳнати, машаққатли фаолияти, одамларга қилган яхшиликларини эвазига қўлга киритган. У киши — ўз ишига ошиқ, сўз қадрини баланд тутадиган ва энг муҳими, инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўядиган шахс. Унинг раҳбарлигидаги “Hurriyat” газетаси бугун ҳақиқий маҳорат ва жасорат мактабига айланган.

— Деменсия, Паркинсон, Алцгеймер билан оғриган беморларнинг ҳаммаси ҳам тиббий муолажаларга муҳтож эмас, — дейди Аvezул Рўзиева. — Алоҳида ёндашув асосида ишлаш, турли машғулотлар ўтказиш, бадантарбия қилиш ва вақтини мазмунли олиб бориш орқали уларнинг руҳий саломатлигига ижобий таъбир кўрсатиш мумкин. Биз соҳа мутахассислари билан айнан шу йўналишда ишлаб, кўпчиликнинг мушкулларини осон қилаймиз.


Хулоса қилиб айтганда, Махсус кундузги қараб туриш хизмати аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жамият билан фаол интеграциясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан солиқ назорати тадбирини ВИДЕОТАСВИРГА ОЛИШ ТАРТИБИ белгиланди.



Ўзбекистонда импорт товарлар учун божхона тўловларини СОТУВ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВАҚТДА ТЎЛАШ ТИЗИМИ жорий этилади.



Хукумат қарорига кўра, заргарлик билан шуғулланувчи тадбиркорларга ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ БИР ҚИСМИ қайтариб берилади.

2026 йил 11 АПРЕЛЬ, ШАНБА

Mahalla №30

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

БИР МУРОЖААТ ИЗИДАН...

Тушунмовчиликми ёки тизим муаммоси: Нега ижтимоий ёрдам манзилига етиб бормаяпти?

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда Кўкдала туманидаги “Чиял” маҳалласида яшовчи Саодат Бобораҳматовнинг мурожаати эълон қилинди. Унда кўтарилган масала кўпчилиكنи ўйлантириб қўйди. Масалага диққат билан қаралса, бу ерда ҳам инсоний омил, ҳам тизимдаги камчиликлар кўзга ташланади.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Саодат отанинг айтишича, унинг 4 нафар ногирон фарзанди бор. Улардан икки нафари турмушга чиқиб кетган, бир ўғли оилали ва ногиронлик нафақаси олади. Ҳозирда унинг ёнида иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган, гапира олмайдиган қизи яшайди. Отаҳоннинг асосий эътирози шундаки, маҳалла ёки ҳокимлик уларга етарли ёрдам кўрсатмаган. Жумладан, маҳаллага “Аёллар дафтари”га кириштириш бўйича бир неча марта мурожаат қилган бўлса-да, натижа бўлмаган. Унинг сўзларига кўра, бир сафар ходимлар уйга келган, аммо ўзи уйда бўлмагани, қизи эса гапира олмани сабабли иш охиригача етмаган. Айни ҳолат бўйича “Чиял” маҳалласи раиси Тўлқин Бойназаровага мурожаат қилдик. Маҳалла раиси вазиятга бошқача изох берди. Унга кўра, Саодат ота яшаган ҳудуд “Чиял” маҳалласига қўшилганига 6-7 ой бўлган. Мурожаатлар ҳам айнан шу давр ичида келиб тушган.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ишонч бор жойда тартиб ва барқарорлик бўлади

Одамларнинг ишончи — энг катта бойлик. Имконият ҳам, қонун ҳам ишонч бўлмаса, тўлиқ ишламайди. Шунинг учун бугунги кундаги асосий мақсадимиз — ҳар бир хонадонда молиявий барқарорликни таъминлаш, тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш ва давлат бюджетига солиқларни ўз вақтида туширишдан иборат.

Хозирги кунда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони ортиб бормоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолат. Лекин айни пайтда уларнинг кўпчилиги ҳисоб-китоб ишларини юритиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва солиқ масалаларида қийналаётганини ҳам кўряпмиз. Шунинг учун ҳоким ёрдамчилари билан бирга уйма-уй юриб, тушунтириш ишларини олиб борамиз. Кимдир ҳисоб юритишни билмайди — ўргатапмиз, кимдир ҳужжатдан адашган — кўрсатиб берапмиз.

Эркин МИРМАХСУМОВ, Чироқчи туманидаги “Обод”, “Кўктош” ва “Хумо” маҳаллалари солиқ инспектори.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўқтам ҚАҲҲОРОВ, Андижон вилояти:

— Фермер хўжалигимиз қуввати 60 кВт./соат бўлган қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотди ва бунинг учун ҳисобимизга пул маблағлари келиб тушди. Шу ҳолатда ушбу тушумларга нисбатан айланмадан олиннадиган солиқ ҳисобланадими ёки имтиёз мавжудми?

ҚУЁШ ПАНЕЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ТОҚДАН СОЛИҚ ТЎЛАНАДИМИ?



Лочинбек ҚУРБОНОВ, Андижон вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун Солиқ кодексининг 337-моддасига асосан, умумий қуввати 100 кВт./соатгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда, электр энергиясини умумий тармоққа реализация қилишдан олинган фойдага “ноль” ставка қўлланилиши белгиланган. Бироқ айланмадан олиннадиган солиқ тўловчилар учун мазкур фаолият тури бўйича алоҳида имтиёзлар назарда тутилмаган.

Шунга кўра, 100 кВт./соатгача бўлган қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан олинган тушумлар 4 фоизлик ставка бўйича айланмадан олиннадиган солиққа тортилади ва уни тўлашингиз лозим.

Аммо маҳаллаларда бизни жиддий ўйлантираётган бир муаммо бор. Бу — телефон орқали пул ундирувчи фирибгарлар масаласи. Афсуски, бундай ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Айрим кимсалар ўзини солиқ ходими ёки бошқа назорат идораси вакили деб таништириб, одамларни кўрқитади. “Сизда жарима бор”, “текширув бўлади”, “ҳужжатингиз нотўғри” деб, пул талаб қилади.

Яқинда шундай ҳолат бўлди. Маҳалламизда нон пишириб сотаётган бир аёлга телефон қилишиб, “солиқдан муаммонингиз бор, агар тезда пул ўтказмасангиз, катта жарима бўлади” деб кўрқитишган. Аёл бунга ишониб, пул юборган. Кейин бизга келиб ҳолатни айтди. Текширсак, унда ҳеч қандай қарз ёки муаммо йўқ. Демак, у алдовга учраган.

Бу каби ҳолатлар нафақат одамларнинг чўнтагига зарар етказиши, балки давлат идораларига бўлган ишончни ҳам сусайтиради. Шунинг учун бу муаммони ечиш учун, энг аввало, тушунтириш ишларини янада кучайтириш керак. Ҳар бир фуқаро аниқ билиши шарт: солиқ ходими ҳеч қачон телефон орқали пул сўрамайди. Барча тўловлар бўлган ишонччи ҳам сусайтиради. Шунинг учун бу муаммони ечиш учун, энг аввало, тушунтириш ишларини янада кучайтириш керак. Ҳар бир фуқаро аниқ билиши шарт: солиқ ходими ҳеч қачон телефон орқали пул сўрамайди. Барча тўловлар бўлган ишонччи ҳам сусайтиради. Шунинг учун бу муаммони ечиш учун, энг аввало, тушунтириш ишларини янада кучайтириш керак. Ҳар бир фуқаро аниқ билиши шарт: солиқ ходими ҳеч қачон телефон орқали пул сўрамайди. Барча тўловлар бўлган ишонччи ҳам сусайтиради. Шунинг учун бу муаммони ечиш учун, энг аввало, тушунтириш ишларини янада кучайтириш керак.

Бизнинг ечимимиз — одамлар билан яқин ишлаш. “Еттилик” вакиллари билан бирга уйма-уй юриш, ҳар бир ҳолатни жойида тушунтириш, одамларнинг саволларига жавоб бериш. Шу билан бирга, маҳаллаларда маслаҳат бурчаклари ташкил қилиш ҳам муҳим. Одамлар қаерга боришни билса, бегона одамга ишонмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун маҳаллани қийнаётган асосий муаммо — ахборот етишмаслиги ва фирибгарларга учраш ҳолатларидир. Одам билмагани учун алданаяпти. Демак, ечим оддий: кўпроқ тушунтириш, кўпроқ мулоқот ва энг муҳими, ишончини мустаҳкамлаш керак.

— Биз отахондан қизининг паспорт маълумотларини сўраганимиз, лекин уларни ўз вақтида тақдим этмаган, — дейди маҳалла раиси. — Вазиятни ўрганишимизда маълум бўлдики, аввалги маҳалласида ҳам бу оиланинг мурожаати асосида маълумотлар “Аёллар дафтари” платформасига киритилган, бироқ тизим аризани қабул қилмаган.

Сўнги мурожаатлардан сўнг, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла фаоллари Саодат ота хонадонига бориб, оиланинг аҳволидан хабар олган, маълум даражада амалий ёрдам кўрсатган — газ баллон ва газ плита етказиб берилган. Энг муҳими, керакли ҳужжатлар олиниб, ариза яна қайта онлайн тарзда топширилган. Эндиликда аризани тизим автоматик тарзда кўриб чиқиши керак. Маҳалла раисининг айтишича, агар тизим аризани қабул қилса, шундан кейингина ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

Бу ҳолатдан кўринадики, муаммо фақат эътиборсизликда эмас, балки ўзаро англашув етишмаслигида ҳам

юзга келади. Бир жиҳатдан, фуқаро ўзини эътибордан четда қолгандек ҳис қилган, маҳалла эса ҳужжат ва тизим сабаб ишни охиригача етказмаган. Энг асосий муаммо — ариза нега рад этилгани бўйича аниқ тушунтириш йўқлиги. Айнан шу ноаниқлик одамлар орасида маҳаллага нисбатан ишончсизликни кучайтиради. Охир-оқибат, оддий бир масала ижтимоий тармоқларгача чиқиб кетади...

Хулоса оддий: гап фақат ёрдамда эмас, тушунтиришда ҳам. Агар ҳар икки томонда ҳам бироз сабр ва аниқлик бўлганда, масала бунчалик ҳўзилмас эди. Энг асосийи, тизим очик ва тушунарли ишлаши керак. Шунда бундай ҳолатлар камаюди.

ТАВСИЯ

Кредит олишда тўғри қарорни қандай қабул қилиш керак?

Кўпчиликка таниш вазият: ойликча пул етмай қолади, уйга керакли нарса олиш керак, ёки бирор муҳим тадбир яқинлашапти. Шу пайтда “кредит олиб турсам, кейин аста-секин тўлаб кетаман”, деган фикр пайдо бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, кредит айрим масалаларни тез ҳал қилишга ёрдам беради. Аммо у ҳар доим ҳам ечим эмас...

Амалиёт шунини кўрсатадики, одамлар энг кўп хатони кредитни шошилиб, етарлича ўйлаб кўрмасдан олганда қилади. Кўпчилик фақат ойлик тўловга қараб қарор чиқаради: “ойига шунини тўласам бўларкан” деб. Лекин шу тўлов ортида неча йил давомида қанча ортиқча маблағ тўланиши ҳақида кўпинча ўйланмайди. Натижада арзон деб олинган кредит охир-оқибат анча қимматга тушади.

Яна бир оддий ҳолат — мавжуд қарзлар бўла туриб, яна янги кредит олиш. Бошида енгилдек туюлади, лекин вақт ўтиб, бир неча тўловлар бир вақтда келганда, бу бюджетга жиддий босим келтиради. Агар даромад кам, харажатлар эса кўп бўлса, кредит муаммони ҳал қилмайди, у фақат вақтинча енгиллик беради, холос. Кейин янада каттароқ молиявий юк бўлиб қайтади.



Шунинг учун кредит олишга шоммасдан, аввало, ўз молиявий ҳолатингизни баҳолаб олиш муҳим:

1. Доимий даромадлар ва мажбурий харажатларни аниқ ҳисоблаб, ҳар ой қанча маблағ эркин қолаётганини билиб олиш керак. Мутахассислар ойлик кредит тўловлари даромаднинг 30-40 фоиздан ошмаслигини тавсия этади. Акс ҳолда, хатто кичик қутилмаган ҳолат ҳам молиявий барқарорликка салбий таъсир қилиши мумкин.


2. Агар сизда аллақачон кредит мажбуриятлари мавжуд бўлса, янги қарор қабул қилишда уларни, албатта, инобатга олиш лозим. Баъзан янги қарз олишдан кўра, аввал мавжуд қарзларни тартибга келтириш анча тўғри қарор бўлади. Айрим ҳолларда кредитни қайта молиялаштириш ҳам фойда бериши мумкин, аммо бундай қарорни қабул қилишдан олдин унинг шартларини батафсил ўрганиш керак.

3. Фақат ойлик тўловга қараб қарор чиқариш нотўғри. Чунки паст тўлов ортида узок муддат ва катта ортиқча тўлов яширинган бўлиши мумкин. Шу сабабли кредитнинг якуний қийматини ҳамиша солиштириб чиқиш муҳим.

4. Агар маблағ асосий эҳтиёжларни қоплашга етмаётган бўлса, қарз олиш муаммони вақтинча ортга суради, холос. Бундай ҳолатларда, аввало, бюджетни қайта кўриб чиқиш, харажатлар устуворлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Молиявий барқарорликни таъминлаш учун камда уч ойлик даромадга тенг захира маблағини шакллантириш жуда муҳим. Бу қутилмаган вазиятларда сизга қўшимча ҳимоя беради.

Хулоса қилиб айтганда, кредит, бу — фақат молиявий восита. Ундан қандай фойдаланиш эса сизга боғлиқ. Онгли ёндашув, тўғри ҳисоб-китоб ва эҳтиёткор қарорлар орқали сиз молиявий барқарорликни сақлаб қолишингиз мумкин.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ўзбекистондаги автомобиль йўлларида СУЊЫЙ ТЎСИҚЛАР ВА НОТЕКИСЛИКЛАР ЯРАТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.



РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ: уйга тўлов қилганларга қурилишдаги муаммолар сабаб 24,4 миллиард сўм қайтарилди.



Афғонистондан Ўзбекистонга кириб келган юк машинасида АФҲОН ҚОЗОНЛАРИГА ЯШИРИЛГАН 190,8 килограмм гашиш аниқланди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

МУНОСАБАТ

ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ТАМОЙИЛИ УСТУВОР МЕЗОН БЎЛАДИ

Бугунги глобал таҳдидлар, жадал урбанизация, рақамлашув ва ижтимоий муносабатлар мураккаблашган бир шароитда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қачонгидан-да, долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг жорий йил 8 апрель кuni жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тақдимоти билан танишиш жараёнида мана шу жиҳатларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Рустам ЖЎРАЕВ, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи, генерал-майор.

Соҳада замонавий бошқарув ва рақамли назорат тизимини жорий этиш, самарадорлик кўрсаткичларини “Жазоловчи тизимдан – аҳолига хизмат кўрсатувчи тизимга” тамойили асосида қайта ишлаш киши жуда муҳимлиги қайд этилди. Профилактика инспекторлари фаолияти устидан ортиқча бошқарув бўғинлари кўпайиб кетгани оқибатида маҳалла хавфсизлиги ва жиноят профилактикасига етарли эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.



Шу боис 8 992 та маҳаллада хизмат қилаётган 10 мингдан зиёд профилактика инспекторлари ортиқча вазифалардан халос этилиб, улар бевосита ўзига юклатилган ишга — маҳаллада хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли муаммолари билан манзилли ишлашга тўлиқ йўналтирилди. Ўз навбатида кунлик онлайн йўриқнома ўтказиш, “Менинг инспекторим” электрон тизими орқали хизматни ташкил этиш, суд-тиббий экспертиза муассасалари билан электрон маълумот алмашишни жорий қилиш, профилактика инспекторларини ишдан ажратмаган ҳолда онлайн ўқитиш ва малакасини ошириш, маҳаллада хавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи “жамоат ёрдамчиси” гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш каби самарали тақлифлар билдирилди.

Бундан ташқари, инспекторларга айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилди, 6 та кам аҳамиятли қилмиш бўйича маъмурий огоҳлантириш тизими жорий этилди. Бу орқали инспекторнинг маҳалладан чиқмаган ҳолда иш олиб бориши, самарадорлиги ортиши ва кўпроқ аҳоли билан яқиндан ишлаш имконияти яратилади.

ХАВФСИЗ МУҲИТ

Агар мендан “соҳадаги энг муҳим ўзгариш нима?”, деб сўрашса, иккиланмай, раҳбарлар иш жойининг маҳаллага кўчгани, дейман.



Элёрбек ТЎРАЕВ, Сергели туманидаги “Кенгмакон” маҳалласи профилактика инспектори.

ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ЖАЗО ЭМАС, КЎМАК ШАКЛИГА КЕЛТИРИЛГАН



Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича узлуксиз ишлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳим. Бунинг учун профилактика инспекторлари, мактаблардаги инспектор-психологлар ва маҳаллалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларни маҳалла даражасида ўзаро боғлайдиган, ёшлар, аёллар ва оилавий муаммоларнинг барвақт олдини олишга хизмат қиладиган яхлит тизим яратилади. Улар аниқ вақт тартибда ахборот алмашиши ҳамда ягона маълумотлар базасидан фойдаланиши учун профилактика ахборот тизими жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, хавфсиз муҳит, бу — фақат ички ишлар органлари масъулияти эмас, балки бутун давлат бошқаруви, маҳалла, фуқаролик жамияти ва ҳар бир фуқаронинг умумий ишидир. Президентимиз тақдимотда белгилаб берган вазифалар бутун мамлакат учун замонавий, самарали ва халқчил хавфсизлик тизimini яратишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятимда доим тўғриси, адолатли бўлиш, луқмани ҳалол топиш, хизмат либосига доғ туширмаликка интиланман. Маҳаллада тунги вақтда бемақсад юрган ҳеч бир фуқаро эътиборимдан четда қолмайди. Бир қарашда шубҳали ҳолатни пайқаб, дарҳол тегишли тартибда чора кўраман.

Дарҳақиқат, “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида маҳалламиз нафақат обод, балки чинакам хавфсиз ҳудудга айланиб борапти. 2025 йилда “қизил” тоифада эдик. 2026 йилга келиб, “ашил” тоифага ўтдик. Айни пайтда жиноятдан холи ҳудудимиз.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло Абдурахмонов тайёрлади.

Бу натижага эришишда аҳоли кундалик муаммоларини тезда ҳал этиш, тадбиркорлик ва бандликни рағбатлантириш, камбағалликни қисқартириш каби ишларни янги босқичга олиб чиқдик. Масалаларни юқори бўғиндаги қарор қабул қилувчи шахслар билан бевосита боғлашга эришдик. Мурожаатлар маъмувий, биргалликда ҳал этилапти. Худуддаги вазият илмий ўрганилиб, бартараф этиш чораларини ишлаб чиқяпмиз. Масалан, ишсизлик туфайли жиноят содир этганларни раҳбарлар ўша захоти бандлигини хал қияпти.

Жиноятчиликнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи омиллар билан курашяпмиз. Ижтимоий профилактикани жазо эмас, кўмак шаклига келтирганмиз. Мисол учун, майда безорилик ёки ўғирлик содир этган шахсларни жазолашга эмас, ишга жойлаштиришга ёки тадбиркорликка йўналтиришга ургў беряпмиз. Чунки юқоридаги салбий ҳаракатлар замирида ишсизлик ёки ижтимоий ёрдамга муҳтожлик ётади. Вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар ва оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларни жиловлаш алоҳида эътиборда.

Ютуқларимизнинг яна бир омили — “Хавфсиз маҳалла” концепцияси доирасида амалга оширилган ишлардир. Жумладан, 16 та кўчанинг барчасига кузатув камераси ўрнатилди, хонадонлар видеокузатув билан таъминланди. 28 та объект ҳамда 750 та хонадон кўриқлов пультага уланган. 10 та “SOS” ташвиш тугмаси ўрнатилган. 1200 та хонадон “Менинг инспекторим” иловасидан фойдаланяпти. Натижада маҳалла тинч ва осойишта, хавфсиз жойга айланди.

Ўрни келганда айрим тақлифларимни билдириб ўтмоқчиман. Юқорида айтганимдек, 16 та кузатув камераси “Қалқон” тизимига уланган. Иложи бўлса, улар профилактика инспектори хонасига ҳам интерга қилинса, яхши бўлар эди. Қолаверса, худудга кунлик ишлаш учун келиб-кетувчилар ҳам жиноят содир этиши мумкин. Уларни тўлиқ назорат қила олмаймиз. Шу боис маҳаллага вақтинча ишлашга келган ҳар бир фуқаро аввал маҳаллага, профилактика инспекторига учраса, натижа янада самарали бўлар эди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Санобар ҲУСАНОВА, Избоскан тумани:

— Вояга етмаган болани тамаки маҳсулоти ёки спиртли ичимлик истеъмол қилишга жалб этиш қандай жавобгарликка сабаб бўлади?

Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188-моддасига кўра, вояга етмаган шахсни тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг ўриндошлари ёки психотроп ҳисобланмайдиган, лекин кишининг акл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга жалб этиш БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Болани тамакига жалб қилганнинг жазоси оғир



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мухориҳа Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 743 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-420



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.